
ЎЗБЕКИСТОН СПОРТИДА ЙИЛ САРҲИСОБИ: ФАРҒОНАЛИК ЗИЁДАХОН АБДУСАТТОРОВА – ЙИЛ КАШФИЁТИ, ШАҲИНАХОН ЙИГИТАЛИЕВА – ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЁШ ПАРАЛИМПИАЧИСИ!

Тошкентдаги “Renessans Hall” мажмуасида бугун бўлиб ўтган “Миллий спорт мукофоти-2023” тақдирлаш маросимида камондан отиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, Осиё кубоги соҳибаси, Париж-2024 ёзги Олимпия ўйинлари йўлланмаси эгаси, фарғоналик Зиёдахон Абдусатторова 2023 йил Ўзбекистон спортида “Йил кашфиёти” номинацияси ғолиби сифатида эътироф этилди!

Найза улоқтириш бўйича Хитойнинг Ханчжоу шаҳрида ўтказилган IV ёзги Пара Осиё ўйинлари чемпиони, Пара Осиё ўйинлари рекордчиси, фарғоналик 15 ёшли Шаҳинахон Йигиталиева “Йилнинг энг яхши ёш паралимпиячиси” номинацияси ғолиби бўлди!

Шунингдек, йилнинг “Энг яхши ихтисослаштирилган спорт мактаблари” номинациясида Фарғона вилояти спортнинг ўйин турлари ва енгил атлетикага ихтисослаштирилган спорт мактаби иккинчи ўринга лойиқ кўрилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-12-25 10:09:28